

# Халқ сўзи


Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 19 ноябрь, №235 (3347)

Чоршанба



Олий Мажлисида

## СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ

ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ Турсунбой БОТИРБЕКОВ).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сулга мувожаат этиш имконияти янада кенгайтириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилишга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Европа Иттифоқи Комиссияси Европа ЭИД дастурининг "Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга қўмаклашиш" лойиҳаси доирасида уюштирилди. Унда Олий Мажлис депутатлари, Адлия ва Ички ишлар вазирлик-

лари, суд, прокуратура органлари, олий ўқув юртлири ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашди. Анжуманда сўзга чиққанлар Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ ислоҳоти хусусида, сулга мувожаат этиш имкониятларини янада такомиллаштиришга оид мулоҳазаларини баён қилди. Бу борда мамлакатимизда ва ривожланган давлатларда орттирилган тажрибалар хусусида сўз юритилди. Анжуманда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва сулга мувожаат этиш имкониятларини кенгайтириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.



## Иштиёқ ва илқоният

Бу ёшларнинг гулгул чехраларига боқиб, уларнинг ортидаги янги ўқув даргоҳи биносини томоша қилиб, мамлакатимизнинг мустақиллик йилларидаги иқтисодий ва маънавий салоҳияти нақадар юксалганлигига яна бир қарра амин бўласиз. Тўғриси, болаларнинг қалбидagi иштиёқ ва коллержа ичидаги технологик жиҳозларнинг даражасини-ку айтмай қўяверинг.

Тарихий обидалари, нилый гўмбазлари, азиз авлиёлари, меҳнаткаш ва ҳалол кишилари билан донг таратган Бухоро шариф, дарҳақиқат, истиқлол йилларида янада чирой очди. Тарихий обидалар қаторига энг замонавий биналар, ўқув юртлири қад ростлади. Яқинда улар саифага Бухоро нефть ва газ саноат қасб-хўна мўлжалланган ушбу билим даргоҳи «Ўзбекнефтегаз холдинг» компанияси учун мутахассислар тайёрлаб беради.

Аллаҳусулў, улар биздан кучли, доно ва бахтиёр бўлишларига ишонмай бўлмайди. СУРАТДА: мазкур коллеж талабалари. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА — БОШ ВАЗИҒА

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) бюурт-масига кўра, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги тадқиқ этилди.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, Ўзбекистонда аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида болалар, ёшлар, оналар ва кексаларга гамхўрлик кўрсатишга қаратилган махсус дастурлар ижросининг таъминланаётганлиги туфайли аҳолининг нисбатан ҳимоятга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда.

Хусусан, юртимизда тиббиёт тизимидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ гўдаклар ўлими кескин камайди. Илгари ҳар 1000 нафар чақалоқдан 38,1 нафари нобуд бўлган бўлса бу кўрсаткич истиқлол йилларида 18,3 нафаргача тушди. Бу Марказий Осиёда энг яхши кўрсаткичдир. Оналар ўртасида ҳам ўлимнинг кескин камайиши кузатилмоқда, яъни илгари ҳар 100 минг қизлардан 42,8 нафари туғиш жараёнида ҳаётдан кўз юмган бўлса, бу кўрсаткич мустақиллик йилларида 33,5 нафаргача камайди. Муқояса учун — ушбу кўрсаткич Қозғистонда 50, Қирғизистонда 43,8, Тожикистонда 45,4 нафари ташкил этади.

Мамлакатимизда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган кўпжа шифо масканлари бунёд этилиши, уларни замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш, соҳа ходимларининг малака ва маҳоратини юксалтиришга қаратилган эътибор бундай ютуқларга эришишда муҳим омил бўлаётди.

Ана шундай йирик шифо масканларидан бири Республика Перинатал маркази иш бошлаганига бир йил тўлди. Утган вақт мобайнида бу ерда икки минг нафардан зиёд чақалоқ дунёга келди.

Хукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган "Соғлом авлод", "Она ва бола" давлат дастурларида белгиланган вазифалар ҳаётга ижтимоий таътиб этилиши туфайли барпо этилган мазкур марказ мустаҳкам моддий-техник база ва юқори илмий салоҳиятга эга.

Нафақат республикамиз, балки Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ушбу тиббиёт муассасаси 125 ўринга мўлжалланган. У уч миллион АҚШ доллари миқдоридagi замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Булари билан барчаси мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотлар узининг амалий самарасини бераётгани туфайлидир.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

## Ер ҳақиқий эгасини топсин!

Самарқанд вилоятида қишлоқ ҳўжалигида ислоҳотларнинг бориши ва кузги-қишқи тадбирларнинг бажарилишига бағишланган йилги бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков бошқарди.

Таъкилландики, вилоятда галлачилик, пахтачилик ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларида иқтисодий ислоҳотлар дадил амалга оширилмоқда. Жорий йилда самарқандлик галлакорлар ва пахтакорлар белгиланган давлат бюуртмаларини ортиги билан бажарганиликларини бунинг натижасидир. Эришилган муваффақиятларда, шубҳасиз, фермерларнинг

ҳам ҳиссаси катта. Бироқ, афеуски, 10 гектардан кам пахта майдонига эга бўлган бирорта фермер йилни фойда билан ўқунлай олмади. Уларнинг харажатлари ошиб бораётти. Узингиз ўйланг: фермер МТПдан техника сўраса, ерини ҳайлашдан тортиб, ҳосилини йиғиштириб олгунча бировнинг ёрдамига кўз тикса, ислоҳот ҳақида қандай гап бўлиши мумкин. Йиғиштириш, шунингдек, вилоятда кузги-қишқи тадбирларни амалга оширишга жиддий киришиш лозимлиги таъкилланди. Йиғиштиришда вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев иштирок этиди.

Ўз мухбиримиз.

## Халқаро кўргазма

Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "FoodExpo Uzbekistan 2003", "AgroFoodMach 2003", "ExpoPack 2003", "ConsumerExpo 2003" саккизинчи халқаро кўргазмаси очилди. Унда жаҳоннинг саккиз мамлакатидан ўттиз тўққизта компания иштирок этаётди. Мазкур кўргазманинг ўтказилиши халқаро ҳамкорлик истиқболларини

намоиш этиш билан бирга истеъмол бозорига янги маҳсулотлар пайдо бўлиши ва замонавий технологиялар ишлаб чиқаришга жорий этилишини таъкиллади.

АҚШнинг TNT Productions, Inc компанияси кўргазманинг асосий ташкилотчиси бўлди.

М. ХОЛМАТОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

## Давлатимиз рамзалари — фахримиз, ғуруримиз

Кеча республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ва "Қамолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан "Давлатимиз рамзалари — фахримиз, ғуруримиз" мавзусида тадбир бўлди. Ижтимоий ҳаракатнинг мажлислар залида ўтказилган байрам дастури Ўзбекистон миллий байрагининг 12 йиллик тўйига бағишланди.

— Мустақил дёримиз рамзи ҳисобланмиш байроқ, герб, мадҳия биз учун жон янглиғ муқаддас. Ватан байроғига бўлган садоқат ва ифтихор ҳар бир фарзанднинг юрагида бўлмоғи лозим, — дейди республика "Қамолот" ЕИХ Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллоев. — Давлат рамзларига ҳурмат она юртимизга бўлган меҳр-муҳаббат нишониси эканлигини тенгдошимиз, маҳалладошимиз, дўстимиз қалбига синдира олиш ҳар биримиз учун шарафли бурчдир.

Шоира БОЙМУРОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ Назокут УСМОНОВА). "Ўзқўргазмасавдо"да Республика ОЗИҚ-ОВҚАТ товарлари улгуржи савдо ярмаркаси очилди.

## МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР ЯРМАРКАСИ

Мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримов ташаббуси билан иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш, маҳаллий хомашё асосида маҳсулот тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади келинмоқда. Эндилдикда сифатли маҳсулотлар билан нафақат ички бозор таъминланмоқда, балки улар хорижга ҳам кенг экспорт қилинмоқда. Ярмаркадан "Ўзлонмаҳсулот" корпорацияси, "Озиқовқатсаноат",

"Ёғмоятамаксаноат", "Ўзгўштусаноат" уюшмалари ва "Ўзмеваэсавдо-тузумсаноат-холдинг", "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув" компаниялари тасарруфидagi корхоналар ҳамда республикамизда фаолият кўрсатаётган 250 дан зиёд бошқа корхона ва хусусий тадбиркорлар томонидан тайёрланган қарий 570 миллиард сўмлик маҳсулот кенг ўрин олган.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов иштирок этиди.

## ҚОЛОҚЛИК САБАБИ НИМАДА?

Ғузур тумани пахта тайёрлашда Қашқадарё вилоятида энг орқада қолмоқда

— Биринчидан, чигит экилган майдонларни бузиб, қайта уруғ қадалангилги, иккинчидан, экишнинг кечикканлиги, — дейди ушбу совхозимизга жавобан туман ҳокими Холбоёв Бозоров.

— Қайларчи? Қалрларни таянлашда янглишмадингизми?

— Янглишдик, десак ҳам бўлаверади, — жавоб қайтарди у. Туман ҳокимидан берилган маълумотга кўра, 2002-2003 йилларида 11 та ҳўжаликда раис алмашган. Уларни ишдан олиш, ишга қўйишда қонуний мезонларга амал қилинганми-йўқми — бу масаланинг бир

томони. Иккинчи жиҳати ва энг муҳими шуки, қалрларни таянлаш, жой-жойига қўйишдаги палапартиш-

лик ва унинг оқибатидир. Хўш, раисларни бундай алмаштиришдан кимга фойда? Айбни ўзимиздан ахтараймиз-да, табиатга тўнқаймиз. Ёмғир, ҳатто 27 апрелда ёққан қор туфайли чигит экилган майдонларни бузиб, қайтадан уруғ қадалиши табиий, албатта. Бироқ экиш нима учун ке-

чikkan? — Ғузурнинг баргига қор учкунни тегдими, у ўнганмайди, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Дўстмамат Қўчқоров. — 27 апрелда ёққан қордан кейин ҳафталаб иқлим паст бўлди. Бундай пайтда ғузурни совуқ урган-урмаганини биллиб бўлмайди. 2-3 майдан бошлаб ҳаво кескин қизиб кетди. Ғузурлар ёппасига сўла бошлади, тулпар сон кун сайин камайиб бори. Шу тариха қайта экиш уч ой давом этиди.

— Сабаб? — Ғузурнинг баргига қор учкунни тегдими, у ўнганмайди, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Дўстмамат Қўчқоров. — 27 апрелда ёққан қордан кейин ҳафталаб иқлим паст бўлди. Бундай пайтда ғузурни совуқ урган-урмаганини биллиб бўлмайди. 2-3 майдан бошлаб ҳаво кескин қизиб кетди. Ғузурлар ёппасига сўла бошлади, тулпар сон кун сайин камайиб бори. Шу тариха қайта экиш уч ой давом этиди.

— Сабаб? — Ғузурнинг баргига қор учкунни тегдими, у ўнганмайди, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Дўстмамат Қўчқоров. — 27 апрелда ёққан қордан кейин ҳафталаб иқлим паст бўлди. Бундай пайтда ғузурни совуқ урган-урмаганини биллиб бўлмайди. 2-3 майдан бошлаб ҳаво кескин қизиб кетди. Ғузурлар ёппасига сўла бошлади, тулпар сон кун сайин камайиб бори. Шу тариха қайта экиш уч ой давом этиди.

(Давоми 2-бетда).

## Пойтахтимизда

## Сарҳад билмас гўзаллик

Кеча республика тасвирий ва амалий санъат лицейида япон-ўзбек болалар ҳамкорлиги ижодига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди.

— Ҳўжалиқимизнинг ижодий намуналарини шу йилнинг баҳор фаслида Японияга юборганимиз, — дейди мазкур лицей директори С. Солиқов. — Мана энди япон болаларидан жавоб сифатида бизнинг ўқув даргоҳимизга бир қанча тасвирий санъат намуналари келди.

Кўргазма залини айланарканмиз, бу ерда узинга хосликни кўрдик. Бундай алоҳидалик шунда эдики, кўргазмада япон болаларининг ижод намуналари билан бирга ушбу лицейда ижод сирларини ўрганаётган ўғил-қизларнинг асарлари ҳам қўйилган экан. Еним-ён илвинган ушбу манзараларни кузата туриб ҳайратланасиз. Наҳотки шуларни ўқувчилар чизган бўлса, дея қойил қоласиз. Айниқса, Аюми Фукуока, Йосихири Матеуна-

ми, Асуми Мицуока (Япония) ва Галина Калченко, Иефаншёр Рамазон, Санжар Хайруллоев (Ўзбекистон) каби ёш иқтидор эгаларининг ижод намуналари кўргазмага ташриф бюурганлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

— Бу кўргазма шунчаки эмас, балки икки юрт фарзандларининг дўстлашуви, келажакда ўзаро ҳамкорлик қилишларига хизмат қилади, дейди Ўзбекистон Бадий академияси раиси, академик Туреунали Қўнаев. — Демак, бу ўқувчилар эртага ўз асарлари билан юртимизни дунёга танитишда улкан ҳисса қўшадилар. Бунинг учун эса мана шунга ўхшаш икки томонлама кўргазмалар уюштиришнинг аҳамияти беқийё.

Ҳа, санъат сарҳад билмайди, одам ажратмайди. У шунингдек ёш ҳам танламайди. Иsobт талаб бўлмаган бу ҳақиқатта лисейда бўлиб ўтган кўргазмада қатнашиб яна бир бор амин бўлдик.

Мақсуд МИРЗО, "Халқ сўзи" мухбири.

## Жойлардан хабарлар

### Боғлар кенгаймоқда

Сулаймонтоғ пойида ястаниб ётган Хўжа-ободдаги М. Маддиёров номи ширкат ҳўжалиги боғларида кузги-қишқи тадбирлар бир-бирига боғлаб олиб боришмоқда. Боғбонлар дархатларга шакл бериш билан бирга, ҳосилдан қолган дархатлар ўринга янги ниҳоллар эймоқдалар. Айни пайтда ҳўжалик боғбонлари 80 гектарлик боғ яратдилар. 50 туздан ортқ олма, олхўри, шафтоли, нок дархатлари кўчатлари ўтказилди. Янги боғ шартнома асосида ижарачиларга тақсимлаб берилди.

О. ШОДНОМАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

### «Машаб»нинг кўмаги

Бухоро вилояти "Тадбиркор оила" уюшмаси вакиллари Исрол ташқи ишлар вазирининг қониндаги "Машаб" халқаро ҳамкорлик маркази билан қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш борасида семинар ва учрашув ўтказдилар. "Машаб" марказининг Ўзбекистондаги раҳбари А. Маҳкамовнинг "Туркистон-пресс" мухбирига айтишича, бухоролик тадбиркорлар уч кул давомида пойтахт вилоятининг Оқдўрғон ва Қўрай туманларида жойлашган сутин қайта ишлашнинг минн шаводлар ва фермер ҳўжаликлари тажрибаси билан танишдилар. "Машаб" экспертлари Пенку, Қоровулбозор, Бухоро туманларидаги тадбиркорларга ҳам амалий ёрдам кўрсатишмоқда.


Чемпионат давомида, шунингдек, Океания кураш конфедерациясининг конгресси ўтказилди. Унда конфедерация президенти ва ижрокўм аъзолари сайланди. Янги Зеландия кураш федерацияси президенти Йохан Башофф ОККнинг ҳам раҳбари этиб таъинланди. Энди Океания кураш конфедерацияси Кураш халқаро ассоциациясига аъзолик учун расмий ҳужжатларини топширади. Бу тақдиримот маросими КХАнинг шу йил 14 декабрда Истамбул шаҳридаги ижрокўм йиғилишида бўлиб ўтади.

Дилмурод ПАРПИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

## Ўзбек кураши: ЧЕМПИОНАТ ЯҚУНЛАНДИ

Янги Зеландия кураш федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу мусобақада Океаниянинг 10 дан ортқ давлатидан келган полвонлар 66, 81 ва 81 килограммдан юқори вази тоифаларида гиламга чиқди. Чемпионат икки гуруҳда — яккалик ва жамоалар ўртасида ўтказилди.

Яккалик баҳсларида Янги Зеландияликларга тенг келадиган рақиб топилмади. Улар 3 та олтин, биттадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди. Жамоавий биринчиликда Финлзи ороли полвонлари маҳорат кўрсатишиб, Янги Зеландияликларнинг устунлигига чек қўйишди.





**Бағрикенглик**

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида кескин ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида жиддий ислохотлар ўтказила бошланди. Бу жиҳатдан, айниқса, "Жинойат жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият

касб этди. Шунга мувофиқ, Жиноят кодексига 65 та ўзгариш ва қўшимча киритилди. Мол-мулк мусодарасининг жинойат жазо сифатида бекор қилиниши, ярашув институтининг жорий этилишини назарда тутувчи янги 61-модданинг қўшилиши, бошқа кўплаб моддалар санкцияларидаги жазолар энгиллаштирилиши, бир қатор оғир жиноятларнинг унча оғир бўлмаган, ўта оғир жиноятларнинг оғир жиноятлар туркумига ўтказилиши улардан энг муҳимлари ҳисобланади.

# ХАТОНИНГ САБОҒИ МУҲИМ

Жорий йилнинг 27 сентябрда бағрикенглик борасида яна бир дадил қадам ташланди. Шу кунги Юртбошимиз "Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. У Жиноят кодексининг 7-моддасига тўла мос тушди. Аниқроғи, жиноят қонунининг инсонпарварлик тамойили ҳар қачондиган ҳам кучайганидан далолат беради. Жазо мақсадига эришишда кенг жамоатчилик кучидан фойдаланиш учун катта йўл очди. Шунингдек, маҳкумларнинг ахлоқдан тазулилари, келгусида такроран жиноятга қўл уришларининг олдини олиш учун зарур ва етарли ҳамда таъсирчан жазо тайинлаш ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини анча кенгайтирди.

ларга нисбатан қўлланилади. Қонун нўқтан назаридан қараганда, унча оғир бўлмаган жиноятларга қасдан содир этилган, қонунда уч йилдан ортғу беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида рўй бергани учун беш йилдан ортғу муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланганидан қилмишлар киралди. Қасдан содир этилган бонс ўн йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси белгилаб қўйилган жиноятлар эса ўта оғир саналади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг демократизм тамойили(6-модда)га амал қилинганлигининг ёрқин ифодасидир. Яъни, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига жалб қилинишлари мумкинлигини аналтади.

Фармонга биноан, биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга судланган шахслар жазо муддатини ўташ учун, агар унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлса, умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил-колонияларга, ўта оғир жиноят содир этганлар эса қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга ўтказилади. Яна бир эътиборга сазовор томони шундаки, унча оғир бўлмаган жиноят учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар тайинланган жазони ўз оилаларидан деярли ажралмаган ҳолда ўтайдилар. Бу демак, хонадонни аҳлини ҳам моддий жиҳатдан таъминлаш, ҳам фарзандлари тарбияси билан шугулланиш имконияти беради.

Хуллас, "Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида"ги Фармон тўлалигича инсонпарварлик руҳи билан йўлланган. У муайян тоифадаги маҳкумларни салбий таъсир кўрсата олмайдиغان шароитларда сақлашга, уларнинг яқин қариндошлари билан яхши муносабат ўрнатишларига, келгусида ҳаётга яна ўз ўринларини топиб олишларига катта ёрдам беради. Негаки, жазодан мақсад жиноят қўчасига кирганларни ахлоқдан тузатиш, унинг жинойат фаллатини давом эттиришига тўсик қўйиш ҳамда у ва бошқаларни яна жиноят содир этишининг олдини олишдан иборатдир.

Фармон ўта оғир жиноят учун биринчи марта судланганлар билан боғлиқ тарбиявий ишларни олиб боришга жамоат ташкилотлари ва фуқароларни жалб этишда ҳам жуда асқотди. Бу

Зеро, Юртбошимиз Олий Мажлисининг иккинчи чақирғиқ олтинчи сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, "Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самардорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахсининг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ"дир.

**Фарход ТОҶИРОВ,**  
юридик фанлар номзоди.

**O'ZSANOATQURILISHBANK**  
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

## 2003 йил — Обод маҳалла йили

### Ҳамжихатлик — бойлик



Маҳалла гузарлари қадим-қадимдан ўзаро мулоқот, тарбия маркази, савдо-сотқ ўчоғи сифатида ўз мавқеига эга бўлган. Навоий вилоятида «Обод маҳалла йили» муносабати билан энг замонавий лойиҳалар асосида унлаб янги гузарлар қад ростлади.

лейди «Маҳалла» ҳамгармасининг вилоят бўлими ижрочи директори Собир Муқимов. — Ҳар ким ўз кўрғонини ободонлаштиришга, унинг нуфузини оширишга ҳаракат қилаётти. Ҳуқуқий, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва бошқа тадбирларнинг гузарларда ташкил этилиши кишида эл-юртта нисбатан гурур-ифтихор туйғусини уйғотди. Эътиборли томони шундаки, уларнинг аксарияти ҳашар йўли билан қад ростлаётти.

Бутун бир мажмуа қурилиш сарф-харажатларини ўз зиммасига олган тадбиркорлар, савобталаб инсонлар анча. Масалан, Навоий шаҳридаги «Янгириқ» маҳалласи гузар қурилишини Азим Жабборов, ўз сармояси ҳисобидан ниҳоясига етказди. «Меймор», «Бинокор» маҳаллаларидаги замонавий бинолар М. Тоиров, М. Кабаевларнинг савб-харажатлари самарасидир. Зарафшон шаҳридаги «Тинчлик», Кармана туманидаги «Гулобод» гузарларини барпо этишга Ф. Қосимов, К. Муқимовлар бош-қош бўлишяпти. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хуллас, вилоятда «Обод маҳалла дастури»нинг бажарилишини таъминлашга кенг жамоатчилик эътибори қаратилганлигини ҳар қадамда сезиш мумкин. Ҳамамаднинг гузарлар эса Ватан равнақи йўлида аҳил ва ҳамжихат яшаб-ишлашга хизмат қилади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**  
ЭЪЛОНЛАР  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
9.00 дан 18.00 гача  
136-09-25  
132-10-63  
242-хона

**Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**  
**ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ**  
*сизларни биржа савдоларига таништириб беради.*  
Биржа савдоларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти балансида бўлган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Х.Олимжон майдони («Пойтахт бизнес мажмуаси»нинг гарбий қисми)да жойлашган куйидаги объектлар куйилмоқда

Т/р	Жойланиши	Майдони, кв.м.	Бошланғич нархи, сўм	Т/р	Жойланиши	Майдони, кв.м.	Бошланғич нархи, сўм
1.	1-қават	118 кв.м.	43 081 800	13.	1-қават	24 кв.м.	8 762 400
2.	1-қават	56 кв.м.	20 445 600	14.	1-қават	69 кв.м.	25 191 900
3.	1-қават	110 кв.м.	40 161 000	15.	1-қават	26 кв.м.	9 492 600
4.	1-қават	16 кв.м.	5 841 600	16.	1-қават	74 кв.м.	27 017 400
5.	1-қават	78 кв.м.	28 477 800	17.	1-қават	147 кв.м.	53 669 700
6.	1-қават	17 кв.м.	6 206 700	18.	1-қават	65 кв.м.	23 731 500
7.	1-қават	24 кв.м.	8 762 400	19.	2-қават	434 кв.м.	158 453 400
8.	1-қават	72 кв.м.	26 287 200	20.	2-қават	141 кв.м.	51 479 100
9.	1-қават	121 кв.м.	44 177 100	21.	2-қават	219 кв.м.	79 956 900
10.	1-қават	81 кв.м.	29 573 100	22.	2-қават	72 кв.м.	26 287 200
11.	1-қават	27 кв.м.	9 857 700	23.	2-қават	1004 кв.м.	366 560 400
12.	1-қават	16 кв.м.	5 841 600	24.	2-қават	76 кв.м.	27 747 600

*Биржа савдоларига қарбаникити шайба ва аксимбда савдоларига таништириб беради.*  
*Тошкент шаҳар муниципал биржа марказига ўраб бўлади.*  
Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Мовароуннахр к., 16а-уй. Телефон: 132-25-51; факс: 133-20-74.  
Сайт: [www.tshmbm.uz](http://www.tshmbm.uz); эл.почта: [birja@mail.tps.uz](mailto:birja@mail.tps.uz) va [info@tshmbm.uz](mailto:info@tshmbm.uz)

**Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**  
**ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ**  
*сизларни биржа савдоларига таништириб беради.*  
**БИРЖА САВДОЛАРГА КУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР КЎЙИЛГАН**

Т/р	Объект номи	Объект манзили	Техник характеристикаси	Бошланғич нархи, сўм
1.	Бино қисми	М.Улуғбек тумани, «Хумоюн» даҳаси, 3-а уй	481 кв.м.	9 791 800
2.	Бино қисми	М.Улуғбек тумани, Қорасу 2-мавзе, 23-уй	1 761 кв.м.	32 520 663
3.	Бино қисми	Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 16-уй	17 кв.м.	2 675 141
4.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори	39 кв.м.	13 650 000
5.	Бино қисми	Юнусобод тумани, «Олой» бозори асосий биноси, фойенинг 19-қисми	16,5 кв.м.	5 775 000
6.	Бино қисми	Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 4-уй	1080 кв.м.	30 802 280
7.	Бино қисми	Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий даҳаси, 1-уй	60 кв.м.	2 665 820
8.	Бино қисми	Чилонзор тумани, Қурилиш 1-тор кўчаси, 6-уй	512,63 кв.м.	16 730 450
9.	Бино қисми	Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уй	84 кв.м.	2 939 110
10.	Бино қисми	С.Раҳимов тумани, Сағбон-Фаробий кўчаси, 6-уй, (3-бл., 2-сек.)	129 кв.м.	21 523 180

**Бундан ташқари савдоларга «Нур» мажмуаси ва куйидаги қурилиши тугалланмаган объектлар ҳам куйилмоқда**

1.	«Нур» мажмуаси	М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 11-уй	1 642,0 кв.м.	750 000 000
2.	Қурилиши тугалланмаган 17-сон дўкон биноси (2-блок)	Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси	662 кв.м.	83 415 532
3.	Қурилиши тугалланмаган 18-сон дўкон биноси (3-блок)	Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси	662 кв.м.	80 444 028
4.	Қурилиши тугалланмаган бионинг «А» блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси	6583,6 кв.м.	45 000 000
5.	Қурилиши тугалланмаган бионинг «С» блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси	6623,0 кв.м.	60 000 000
6.	Қурилиши тугалланмаган бионинг «Н» блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси	4109,0 кв.м.	145 000 000
7.	Қурилиши тугалланмаган бионинг «К» блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси	6568,9 кв.м.	130 000 000
8.	Қурилиши тугалланмаган бионинг «Е» блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси	6419,3 кв.м.	150 000 000
9.	Қурилиши тугалланмаган бионинг «Г» блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси	6104,5 кв.м.	20 000 000
10.	Қурилиши тугалланмаган бионинг «С» блоқи	Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳқўчаси	6623 кв.м.	450 000 000

Шунингдек, савдоларда «Автомакон» ЁАЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги дўконлар, «Юнусобод универсал бозори» ОАЖнинг А.Дониш шаҳобчасида, «Паркент бозори» ОАЖ, «Авиасозлар бозори» ОАЖ ҳудудларида тургун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқлари сотилмоқда.  
*Биржа савдоларига қарбаникити ҳар иш куйида*  
*Тошкент шаҳар муниципал биржа марказига ўраб бўлади.*  
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй.  
Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.; Сайт: [www.tshmbm.uz](http://www.tshmbm.uz); Эл.почта: [birja@mail.tps.uz](mailto:birja@mail.tps.uz) va [info@tshmbm.uz](mailto:info@tshmbm.uz)

**Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари**

Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари ўзининг ишончлилиги билан ажралиб туради, кўпгина фойдаланувчилар ва иловалар ишларини кўллаб-қувватлайди ва юқори унумдорлик билан ишлайди.

Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилаётган, барча халқаро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.

Тошкент шаҳри, Мусахонов кўчаси, 45-уй, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520-1522-офислар, <http://www.tstech.uz>  
Корпоратив сотувлар: «Middle East Computers», Тошкент ш., тел.: (371) 120-77-89, 120-77-56, факс: 132-24-63, e-mail: [sales@tstech.uz](mailto:sales@tstech.uz)  
Дистрибутерлар: «Саюти» ММЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57, «Техсервис», Термиш ш., тел.: (37622) 7-45-54;  
«Понск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.

Товар сертификатланган. Intel, Intel Inside® ва Xeon™ логотипи Intel Corporation нинг АҚШ ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган товар белгисидир.



# ОНА АЛЛАСИ

## бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эга

Яқинда газеталардан биринчи бўлиб тарбиясида оид яхши мақола эълон қилинди. Унда ёзилишича, Японияда ота-оналар ой тўлган тунда ўз болаларини унинг гузаллигини ҳис қилишга даъват этишар экан. Япон фарзандларининг табиатга, жамиятга, инсонга ҳос бўлган энг нозик туйғуларини ҳис эти олиш қобилияти шундай мукамал машқур самараси ўлароқ, ривож топса ажаб эмас. Асосийси эса, япон ота-оналари тарбияни муҳим деб билади. Ўзларидан кўра кўпроқ фарзандларига ишонади. Ўз-ўзидан савол туғилади: бугунги ўзбек боласи қандай тарбия кўраётган, вужудига миллийлик руҳи, ватан, ота-она, оила тушунчалари қай йўсинда синтирилмоқда? Боланинг борлиги маънавий чашма бўлиб синтувчи, инсоний фазилятларини жо қилувчи алла чақалоқлар уялган ҳар бир бешик қошида жаранглаётими?

### Мулоҳаза

Нури дийдасидан оқ сўтини, меҳрини аямайдиган она, наҳотики, аллани даринг тутатган бўлса. Аллани кўп эшитган боланинг тили ўткир, юраги катта бўлади, дейишади. Зотан, ватан, юрт истиқболи довурак, фидойи, комил фарзандларни кутмоқда. Ҳозир ота-онанинг бағрида ўйнаб-кулиб юрган лобару дилбар қизларимиз эртага келин бўлади, индинига эса она. Улардан «аллани биласизми» дея сўрасак, «албатта» дея жавоб қилишади. Қизларимиз билсин илоийм. Билганда ҳам чинакамгина. Лекин...

Аммо, бугун улдувор аллалар тарбиясини кам эшитаётгандайми. Толбешлик қаъридан «Гўдак йиллар эзар ун, Бевозидан хонадон, Ипакдайн бир майин, Аллан қани онажон!» дея титраётган мунгли садолар келаётгандай. Нега?

Тошкент туманидаги Охунбоев номи мактабда ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Кенг ва ёруғ синф хоналари, компьютер хонаси, спорт соғломлаштириш мажмуи... Буларнинг барчаси ўқувчилар хизматида. Яқинда мактабда қўшимча янги бинонинг қуриб битказилиши эса синфдан ташқари ўқув машғулотлари, жўғарак ишларини ҳам жонлантиришига имконият яратди.



Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олдан сурат.

## Суд залидан

# ЎЙИНЧОҚ ТЎПОНЧА

— Бугунги «ов»дан курак қайтдиқ ҳисоби. Бор-йўғи биттагина радиотелефон. Нари бора 50 минг сўм турар, бу матоҳ Маҳмуд эса борар жойимизнинг таърифини зўр қилганди. Қани ўша пуллар, қимматбахо тақинчоқлар? Ё биров шовилдиқми-а? Азиз, Альберт нима дейишар?

— Бугунги «ов»дан курак қайтдиқ ҳисоби. Бор-йўғи биттагина радиотелефон. Нари бора 50 минг сўм турар, бу матоҳ Маҳмуд эса борар жойимизнинг таърифини зўр қилганди. Қани ўша пуллар, қимматбахо тақинчоқлар? Ё биров шовилдиқми-а? Азиз, Альберт нима дейишар?

— Бугунги «ов»дан курак қайтдиқ ҳисоби. Бор-йўғи биттагина радиотелефон. Нари бора 50 минг сўм турар, бу матоҳ Маҳмуд эса борар жойимизнинг таърифини зўр қилганди. Қани ўша пуллар, қимматбахо тақинчоқлар? Ё биров шовилдиқми-а? Азиз, Альберт нима дейишар?



Тўпонча ўқталиш, машина олиб қочиш. Лекин маҳаллақуй, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари бу жиний ҳаракатлардан беҳабар. Гўё босқинчилар бошқа бир оламдан келгану исиз йўқолган. Ниҳоят, милиция ходимлари кейинги сафар ҳушёрлик қилишди. Улар кўчалар кескишан чорраҳада босқинчилар олиб қочётган машина йўлга чиқди. Автоматини йўл четидига тўсиқча урибди тўхтади. Рудда ўтирган Аҳрор Собиров ва «атаман» Сергей Сараева қочинишга ҳеч қандай йўл қолмаганди.

## Осон, қулай, фойдали!

Эндиликда Ўзбекистон фуқароларига тадбиркорлик мақсадида ёки марокки дам олиш учун мамлакат чегараларидан эркин кириб-чиқиш имкониятлари яратилди. Бу шароитда нақд пулларни олиб юриш масаласи ҳар қимчи ҳам ўйлантириши табиий. Банк технологиялари авжи ривожга кирган паллада пулларни дастўрмоқга туғиб, ёки ҳамёнга тикшиштириб, йўқотиб қўйиш ташвиши билан яшаш, хордик ўрнига асабларни бузиш, ёки манфаатли сафардан зиён кўриб қайтиш ақлга тўғри келмайди.



Бугунги кунда электрон пластик картчалар ҳақида тасаввурга эга бўлмаган одамни топиш қийин. Ўзбекистон банк хизматлари бозорига «Visa» пластик картчалари кириб келганига бир неча йил бўлди. Аммо, соғлом рақобат маъносиди биз сизга «EuroCard» тизими картчалари тўғрисида хабар бермоқчимиз: «Асака» банки Тошкент шаҳар филиали томонидан чиқарилаётган Mastercard Standart, Mastercard Business ва Maestro картчалари Ўзбекистон Республикаси ичиди ва бутун ер юзиди товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш, нақд пул маблағларини олиш имкониятини берувчи воситадир.



Маъзур картчалар дунёнинг 220дан ортиқ мамлакатда амал қилади ва 16 миллиондан ортиқ хизмат кўрсатиш шохобчаларига эга. Тўловларни амалга ошириш ва нақд пул олиш жараёни жуда осон, қулай ва хавфсиз бўлиб, ҳар кун қиладиган харидлар учун сезиларли ёрдамдир. Пулларнинг хавфсизлигини таъминловчи махсус парол сизни турли товламачилик ҳолатларидан сақлайди, маблағингиздан манфаатли фойдаланиш шароитини яратди, даромад ва харажатларингизнинг маҳдудлигини таъминлайди. Картчакани йўқотсангиз ҳам, пулларингизни йўқотмайсиз! Ўзбекистон банклариди пластик картчаларга хизмат кўрсатиш тарифларини таҳлил қилиб, биздаги нархлар энг маъқул даражада эканлиги билан республикамиз фуқаролари ва мижмоларини мамнун эттишимиз мумкин. Велютадаги «EuroCard» тизими картчаси соҳибни бўла туриб, Ўзбекистон Республикасидан хорижга чиқсангиз, қўшимча равишда бир йиллик тибий суғуртага ҳам эга бўласиз. Mastercard Standart ва Maestro картчаларидаги маблағларингиз ҳар йили фойз даромадлари ҳам келтириб туради.

«Асака» банки Тошкент шаҳар филиали сизни банкимизга лутфан ташриф буюришга чорлайди. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 73-уй. Телефонлар: 120-83-44, 120-83-09.

## БАРҚАРОР БИЗНЕСГА ЭГА БЎЛИШНИ ҲОҲЛАЙСИЗМИ? У ҲОЛДА БИЗНЕС ҲАҚИДАГИ ВА БИЗНЕС ЖУРНАЛИ «ПрессТИЖ» ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

«ПрессТИЖ» журнали - Ўзбекистондаги энг йирик ва машҳур каталогдир. Ҳар ҳафтада OFFERS рубрикиси остида 500 дан ортиқ модул эълонлари ва 1000 дан ортиқ таклифлар, шунингдек: автомобиль бозорининг энг охириги янгиликлари, уяли алоқа ва юқори технологиялар, бизнес-гороскоп, маркетинг ва менеджмент бўйича мақолалар ва бизнес ҳақидаги ҳамда бизнес бўйича бошқа материаллар.

Журналнинг ўқувчилар доираси-мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари, давлат бошқаруви органлари ходимлари, бизнесменлар, тадбиркорлар.

2004 йил учун «ПрессТИЖ» журнаliga обуна бўлиш билан бирга Сиз: «ПрессТИЖ-Экспресс» - хорижий ахборот воситаси дайджести, «ПрессТИЖ-Менеджер» - раҳбарлар учун илова, «Халққор кўргазмалар юзасидан журналнинг махсус мавзуларга оид сонларини олиб турасиз.

Обуна исталган почта бўлимида амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон вилоятларида обуна бўлиш ва нархлари юзасидан саволлар бўйича маҳаллий почта алоқа бўлимларига мурожаат этинг.

«ПрессТИЖ» журнали ҳар бир бизнесмен ва тадбиркор учун зарурдир!

## Хочешь иметь устойчивый бизнес? Подпишись на «ПрессТИЖ» — журнал о бизнесе и для бизнеса!

«ПрессТИЖ» журнаliga обуна бўлиш Сизнинг бизнесингизга бўлган энг аъло инвестициялардир

Подписной индекс 978

Подписка на журнал «ПрессТИЖ» — отличные инвестиции в ваш бизнес.

Для льготной подписки в г.Ташкенте через редакцию 1. Отправьте или привезите заявку-запрос в редакцию журнала «ПрессТИЖ» по адресу: 700055, г. Ташкент, ул.Махтумқули, дом 1, комн. 128, или отправьте по факсам: 144-71-87, 144-74-87, или пошлите заявку-запрос по электронной почте Prestizh\_best@inbox.ru, или просто позвоните по телефонам: 132-18-17, 144-71-87, 144-74-87. 2. После получения заявки вам будет выслан (или доставлен курьером) договор-счет на подписку.

Журнал «ПрессТИЖ» — самый крупный и известный каталог в Узбекистане. Свыше 500 модульных объявлений и 1000 предложений в рубрике OFFERS, еженедельно, а также: самые последние новости авторьнка, бизнес-гороскоп, статьи по маркетингу и менеджменту и другие материалы о бизнесе и для бизнеса.

Читательская аудитория журнала — руководители и специалисты предприятий и организаций всех форм собственности, работники органов государственного управления, бизнесмены, предприниматели.

Подписавшись на журнал «ПрессТИЖ» на 2004 год, вы также будете получать бесплатные приложения: «ПрессТИЖ-Экспресс» — дайджест зарубежной прессы, «ПрессТИЖ-Менеджер» — приложение для руководителей, Специальные тематические выпуски к международным выставкам.

Оформить подписку можно в любом почтовом отделении связи. ПО ВОПРОСАМ СТОИМОСТИ И ОФОРМЛЕНИЯ ПОДПИСКИ В ОБЛАСТЯХ УЗБЕКИСТАНА ОБРАЩАЙТЕСЬ В МЕСТНЫЕ ПОЧТОВЫЕ ОТДЕЛЕНИЯ СВЯЗИ.

Журнал «ПрессТИЖ» нужен каждому бизнесмену и предпринимателю!

### «PGS» хусусий корхонаси

КЎЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ:

- КИЧИК НОВВОЙХОНА, УНУМДОРЛИГИ — СОАТИГА 64 ТА БУХАНКА НОН;
- ЭЛЕКТР УЧОҒИ, МАШИЙ ВА САНОАТ ҚОЗОНИ ОСТИГА;
- ЭЛЕКТР ИСИТГИЧ-КАЛОРИФЕРЛАР МАШИЙ 20 ҚВ.М, САНОАТ 200 ҚВ.М;
- ЭЛЕКТР САНДАЛ (ТАНЧА);
- КАБОБ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ЭЛЕКТР УСКУНА;
- САУНА УЧУН ЭЛ.ЖИҲОЗ;
- МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚУРИТИШ УЧУН УСКУНАЛАР.

Товар сертификатланган, экологик тоза.

Телефонлар: 79-38-54, 79-15-70, 79-25-23.

«Муштум» журнали ва «Афанди» газетаси тахририяти жамоаси бўлим муҳаррири Носиржон Тошмотовга онаси **ФОТИМАХОН** таъин қилинган вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси «СўлГЕО» илмий-тадқиқот институти директори Р.Хабирова онаси **Азиза ФАЙЗИЕВАННИ** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг фан-техника тараққийоти ва тарғибот-ташвиқот бўлими бошлигининг ўринбосари М.Сафарова онаси **Обиджон САҒАБИНИ** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси институтининг бош ҳисобчиси муовини Азизулло Имомовга онаси **Муборакжон МАМАТИЙИВОННИ** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

### Халқ сўзи

#### Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралымов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазирасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қимбергенов, А. Ҳайдаров, Ҷ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Руқшатаев Уттин тартиб № 00001  
Буюртга Г — 0066 22598 нузда босилди,  
ҳамаи — 2 табоқ, Обсет усулида босилган.  
Қозоқ бичими А-2  
Газета IBM компьютерда терилди ва оператор **Жамиев ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Тахририятга ҳажми 5 қоголдан ибид материаллар қабул қилинади.  
[ ] — Тижорат материаллари

● **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700060, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Набатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.  
Набатчи — С. Дошперов.  
Мусахххх — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 1 3 4 5 6